



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ**

2019 йил “2 ” март

№ 210

Тошкент ш.

Олий таълим муассасаларидан хорижда малака ошириш, стажировкадан ўтиш ва докторантурда ва магистратурда ўқиш учун юборилиши режалаштирилаётган номзодларга хорижий тилларни ўргатиш бўйича ўқув дастурини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5545-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 январдаги 4091-сонли Қарори ижросини таъминлаш юзасидан хорижий давлатларнинг етакчи олий ва илмий-таълим муассасаларига малака ошириш ва стажировка ўташ, магистратура ҳамда докторантурда ўқишга юборилиши режалаштирилаётган номзодларга хорижий тилларни ўргатиш бўйича ўқув курсининг дастури Иловага мувофиқ тасдиқлансин.

БУЮРАМАН:

1. Бош илмий-методик марказ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети мутахассислари билан биргаликда ишлаб чинчалган олий таълим муассасаларидан хорижда малака ошириш, стажировкадан ўтиш ва докторантурда ва магистратурда ўқиш учун юборилиши режалаштирилаётган номзодларга хорижий тилларни ўргатиш бўйича ўқув курсининг дастури Иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Тасдиқланган дастур хорижий давлатларнинг етакчи олий ва илмий-таълим муассасаларига малака ошириш ва стажировка ўташ, магистратура ҳамда докторантурда ўқишга юборилиши режалаштирилаётган номзодларга хорижий тилларни ўргатиш бўйича ўқув курслари йўлга қўйилиши режалаштирилаётган олий таълим муассасаларига етказилсин.

3. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари У.Бегимкулов зиммасига юклатилсин.

Вазир



И.Маджидов

Киритди:

К.Гафуров




Келишилди:


О.Абдурахманов




У.Бегимкулов



С.Бузрукхонов



Р.Сулейманова





Узбекистон Республикаси Олий
ва йўрта маҳсус таълим вазирлигининг
2019 йил 6 марта 2019-сон
буйруғига илова

ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚУВ ДАСТУРИ

(инглиз, немис, француз тиллари)

**Олий таълим муассасалари педагог кадрларини
хорижнинг етакчи ОТМларида малака ошириш ва стажировка
курсларига тайёрлаш бўйича**

Тошкент – 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ ҲУЗУРИДАГИ ЧЕТ
ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИЯВИЙ МЕТОДИКАЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БРИТАНИЯ КЕНГАШИ
билин ҳамкорликда**

Тузувчилар: С.Иргашева (Британия Кенгashi), К.Алимова (ЎзДЖТУ), Р.Зирянова (Тошкент Вестминистр халқаро университети ТХВУ), Ли У. С. (Британия Кенгashi), Л.Маковская (ТХВУ), А.Безбородова (ТХВУ).
Хорижий эксперт – Р. Болито (Буюк Британия).

Тақризчилар: Х.М.Алимов- олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ бўлим бошлиғи, пс.ф.н.
У.Б.Азизов – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Чет тилларини ўқитишининг инновацион методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий маркази директори, PhD.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида яратилган мазкур хорижий (инглиз, немис, француз) тиллар амалий курси дастури олий таълим тизимидағи профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тилдан билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган.

Ушбу дастур олий таълим тизимидағи профессор-ўқитувчиларни хорижда малака ошириш, стажировка ва алмашинув дастурларида қатнашиш, ҳамда ўз соҳаларида амалий ва илмий конференцияларда самарали иштирок этишда, мақолалар чоп этишда халқаро талаблар даражасида фаолият юрита олиш учун зарур бўладиган хорижий тил кўникмаларини эгаллашга ёрдам беришни мақсад қилган.

Мазкур дастурни ишлаб чиқиша Евropa Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиши ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR – Common European Framework of Reference) ва Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўрганишга қўйиладиган талаблар эътиборга олинган. Шунингдек, дастурни тузишда Республикадаги ОТМлардан 300 га яқин профессор-ўқитувчилар билан ўтказилган сўровнома ва интервьюларда билдирилган таклифлар инобатга олинган.

Тингловчилар хорижий тилдаги билим ва кўникмаларидан келиб чиқсан холда халқаро талабга жавоб берувчи тест асосида иккита гурухга сараланадилар. Бунда тест натижаларидан келиб чиқсан холда чет тиллари бўйича умумэътироф этилган халқаро меъёрларга кўра, A2, B1 ва B2 даражалардаги тингловчилар учун курслар ташкил этилади. Ҳар бир курс 4 ойга мўлжалланган ва 4 ҳафта фаол ўқиш +12 ҳафта онлайн тарзида мустақил таълим ва 1 ҳафта якунловчи ўқиш кўринишида олиб борилади.

Курс давомида тингловчиларга хорижий тил кўникмаларини ўзлаштиришлари ва касбий малакаларини оширишларида самарали ҳисобланган қатор замонавий адабиётлар ва онлайн ресурслар ҳавола этилади. Шунингдек, курс орқали тингловчилар чет тили ўрганишда муҳим ҳисобланган мустақил таълим кўникмаларини ривожлантириб борадилар ва бунда уларни ОЎМТВлиги кўрсатмаси асосида маҳсус яратилган ўкув платформа орқали тренингдан ўтган тьюторлар қўллаб-қувватлаб борадилар.

Платформа орқали илгари сурилаётган тил ўрганишга бўлган ёндашув олий таълим тизимидағи профессор-ўқитувчиларнинг ўз касбий малакаларини замонавий талаблар даражасида ошириб боришга бўлган қизиқишилари ҳамда уларнинг бандлиги инобатга олинган ҳолда танланган.

Курс якунига келиб тингловчилардан

- ~ хориждаги ҳамкор ОТМларда ўзаро алмашинув талабларига жавоб беради;

- ~ ўз соҳаларидағи хорижий мутахассислар билан расмий ва норасмий контекстларда эркин мулокотга (ёзма ва оғзаки) кириша олишлари талаб этилади.

Ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

- 1.1. Оғзаки нутқ амалиёти
- 1.2. Ёзма нутқ амалиёти
- 1.3. Маданиятлараро мулокот компетенциялари

Курснинг мақсади ва вазифалари

Мазкур курсининг мақсади олий таълим тизимидағи профессор-ўқитувчиларни хорижда малака ошириш, стажировка ва алмашинув дастурларида қатнашиш ҳамда ўз соҳаларида амалий ва илмий фаолият юрита олиш учун зарур бўладиган чет тили кўникмаларини ривожлантириш ва шу орқали курс тингловчиларининг касбий компетентлик ва педагогик маҳоратини халқаро талаблар даражасида доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- олий таълим тизимидағи профессор-ўқитувчиларнинг хорижга саёхатга бориш, хорижда малака ошириш, стажировка ва алмашинув дастурларида қатнашиш учун зарур бўладиган оғзаки ва ёзма хорижий тил кўникмаларини ривожлантириш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хусусан дистант (онлайн) таълим имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- курс тингловчиларини ўз соҳаларида амалий ва илмий фаолият учун муҳим ҳисобланган академик кўникмалар, жумладан, тақдимот тайёрлаш, мақола, ҳисбот ёзиш кабиларда амал қилиниши керак бўлган талаблар, тил бирикмалари билан таништириш;
- ОТМ педагог-кадрларнинг чет тилини мустақил ўрганиш учун зарур бўладиган стратегиялар, имкониятлар, кўникмалар билан таништириш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Курс давомида тингловчилар хорижий тил бўйича 4та тил кўникмаларини ривожлантиришлари ва маданиятлараро мулокот компетентлигини шакллантиришлари назарда тутилган.

Гапириш кўникмалари

A2 даражабўйича

- ~ таниш мавзуларда, жумладан касбга оид мавзуларда стандарт маъруза ёки нутқни тушуна олиши ва унга доир саволларга жавоб бера олиши;
- ~ турли коммуникатив нутқ вазиятлари (саломлашиш, кечирим сўраш, хайрлашиш, миннатдорчилик билдириш ва х.к.) ни тўғри ўзлаштириши;
- ~ таниш ёки ўзини қизиқтирган мавзуларда соддароқ гаплар ёрдамида юзма-юз мулокотга кириша олиши, мулокотни самарали давом эттириши ва тугаллаши;
- ~ муҳокамаларда ўз нуқтаи назарини ва фикрини баён эта олиш ва бошқаларнинг фикрини сўраш;
- ~ турли вариантлар, сабаб, натижа, турли ситуацияларнинг ютуқ ва камчиликларини эътироф этган ҳолда ўз нуқтаи назарини хушмуомилаликда ифода этиш;
- ~ A2 даражадаги мавзуларда давра суҳбатлари ва дебатларда қатнаша олиш;
- ~ муҳокама қилинаётган мавзуни аниқлай олиш, мавзудан-мавзуга кўчилганда мулокотни давом эттира олиш;
- ~ сўзловчи нутқини тушунгандиги ёки яхши англай олмаганлигини ифодалаши (масалан, сўзловчидан гапини яна бир марта такрорлашни, изоҳлаш, савол бериш ва х.) хамда мулокотни давом эттира олиш;
- ~ хорижда кундалик эҳтиёж (масалан, харид қилиш) ва турмушда зарур хизматлар (масалан, банк)дан фойдалана олиш;
- ~ аввалдан тайёрланган ҳолда интервью олиб бориш, маълумотларни текшириш ва тасдиқлаш, қизиқарли жавобларга эътибор қаратиш;
- ~ мулокотни бошлиш ва тугаллаш стратегияларини эгаллаш ва навбат билан мулокотга кириша олиш;

B1 даражабўйича

- ~ турли мавзуларда давра суҳбатлари ва муҳокамалар хорижий тилларда ўз нуқтаи назарини ифода эта олиш;
- ~ касби ва соҳасига оид мавзуларда презентациялар, нутқларни тайёрлай олиш;
- ~ презентацияларнинг турли кўринишларидан хабардор бўлиш, тақдимотга уланиб кетадиган муҳокамаларда ўз тажрибалари билан ўртоқлашган ҳолда иштирок эта олиш;
- ~ расмий ва норасмий вазиятларда фикрларни оғзаки баён қила олиш;

- ~ телеконференция ва видеоконференциялар орқали партнёр ОТМлар профессор-ўқитувчилари билан мулоқотга кира олиш;
- ~ интервьюда иштирокчи сифатида қатнаша олиш ва саволлар тузга олган холда уни ўзи хам ўтказа олиш;

B2 даражада бўйича

- ~ турли мавзуларда хорижий тилларда эркин мулоқот олиб бора олиши;
- ~ турли мавзулар муҳокамасида фаол иштирок этиши, шунингдек, хорижий тилларда интервью олиш ва ўз навбатида уларнинг саволларига жавоб қайтара олиши;
- ~ турли мавзулар бўйича аниқ ва батафсил гаплар тузга олиши, тегишли мавзуларга оид воқеа-ходиса, нарсаларни таърифлай олиши лозим.

Ўқиш кўникмалари

A2 даражада бўйича

- ~ норасмий ёзишмаларни ва соддароқ тузилган расмий хатларни ўқиб тушуна олиш;
- ~ мавзуси қисман таниш ва тилнинг мураккаблик даражасига кўра танланган матнларни ўқиб, асосий ғоясини ва муайян маъноларни ўқиб тушуна олиш;
- ~ A2 даражадаги аутентик материаллар (масалан, брошюра, эълон, жадвал, ва кичикроқ хажмдаги расмий хужжат ва х.) дан керакли маълумотлар тўплай олиш;
- ~ кўрсатма (масалан, ёнғин холати бўйича) ва йўриқнома (масалан техник воситалардан фойдаланиш) лардаги мазмунни тушуна олиш;
- ~ мос мураккаблик даражасида касбга оид мақолаларни ўқиш ва хамкасабалар билан ундаги мазмунни муҳокама қилиш;

B1 даражада бўйича

- ~ тилнинг мураккаблик даражасига кўра танланган матнларни асосий ғоясини ва муайян маъноларни ўқиб тушуна олиш;
- ~ аутентик материалларни (масалан, китоб, журнал, расмий хужжат, брошюра, маъруза ва бошқаларни) ўқиш, маълумотларни тўплаш ва улардан амалда фойдаланиш;
- ~ касбга оид мақолалар турлари ва таркибидан хабардор бўлиш, улардаги асосий ғояларни тушунган холда хамкасабалар билан мазмунни муҳокама қилиш;
- ~ расмий хатлар ва ёзишмаларни ўқиб тушуна олиш;
- ~ касбга доир халқаро тадбирлар, конференциялар ахборот хатини ўқиб тушуна олиш ва мос равишда ундан фойдалана олиш;

- ~ професионал мавзулардаги мақолалар (ўқитиш муаммолари, методлари, ўқитиш тизимидағи янгиликлар ёритиладиган журналларда берилган мақолалар)ни ўқиб тушуна олиш;

B2 даража бўйича

- ~ тилнинг мураккаблик даражасига кўра танланган матнларнинг асосий ғоясидан келиб чиққан ҳолда ўз фикрларини равон ифода этилиши;
- ~ тегишли мавзулар бўйича аутентик материаллардан фойдаланган ҳолда маълумотларни тўплаш ва мавзу бўйича ўз қарашларини, салбий ёки ижобий жиҳатларни ёзма равища аниқ ифода эта олиши;

Тинглаб тушуниш кўникмалари

A2 даража бўйича

- ~ адабий (стандарт) тилдаги мулоқотни тинглаб, ундаги асосий ғояни ва муайян маълумотни англай олиш;
- ~ қисқа сухбатларни тушуна олиш ва сухбатга кириша олиш;
- ~ содда кўрсатма ва йўриқномаларни тинглаб тушуна олиш;
- ~ радио, ТВ ва онлайн янгиликларни умумий мазмунини тушуна олиш;
- ~ ўзига таниш мавзуларда ёзиб олинган аудио матнни тушуна олиш;
- ~ тинглаб тушунишни осонлаштириш учун турли стратегияларни кўллай олиш, жумладан, матннинг асосий ғоясини тушуниш, контекстдаги таянч сўзларни англай олиш;

B1 даража бўйича

- ~ матнни тинглаб ундаги асосий ғояни ва муайян маълумотни англай олиш;
- ~ турли жанрдаги (янгиликлар, эълонлар ва шу каби) матнларни тушуниш ва муҳокама қилиш учун тинглаш;
- ~ сўзлашувчининг қайфияти, ҳиссиёти (оҳанги) ва муносабатини англай олиш;
- ~ телефон, видеоконференция кабилар орқали мулоқотга кира олиш;
- ~ жамоат жойларидаги эълонлар (масалан, темир йўл вокзали, аэропортдаги эълонлар)ни тинглаб тушуна олиш;
- ~ касби ва соҳасига оид мавзуларда презентациялар, нутқлар, маъruzаларни тинглаб тушуниш ва улар асосида конспект, хуносалар тайёрлай олиш;

B2 даража бўйича

- ~ маъruzалар ёки телевидение орқали бериладиган катта ҳажмдаги матнларни тушуниш ва муҳокама қилиш учун тинглаб тушуниш;

- ~ таниш мавзулардаги қийинроқ нутқни тушуниши;
- ~ ТВ ва радио орқали бериладиган янгиликларни тинглаб, томоша қилиш жараёнида муҳокама қилинаётган мавзуларнинг асосий ғоясини англай билиши;
- ~ адабий тилда намойиш қилинадиган фильмлар мазмунини яхши тушуниб, ўз фикрини баён қилиши

Ёзиш кўникмалари

A2 даражада бўйича

- ~ расмий ва норасмий ёзишувлар орқали (масалан, электрон хатлар орқали) фикрларни, янгиликларни, воқеаларни ёзма баён қилиш;
- ~ A2 даражадаги мавзуларда қисқа иншолар ёзиш;
- ~ фактга асосланган маълумотларни ўқиб ёки тинглаб, қисқа ёзма баён этиш, ва уларда жоиз бўлса ўз фикр мулоҳазаларини келтира олиш;
- ~ фактларга асосланган маълумотлар ва воқеалар сабаби ёритилган қисқа ҳисоботларни ёза олиш;

B1 даражада бўйича

- ~ расмий хатлар ва ёзишувларда (масалан, электрон хатлар орқали) фикрларни ёзма баён қилиш;
- ~ соҳага оид илмий мақолаларини хорижда чоп этиш учун зарур бўлган кўникмаларни жумладан, мос келадиган мақола нашрини интернетдан топа олиш, хорижий тилларда абстракт ёзиш, олинган маълумотларни парафраз қилган холда баён этиш, плагиатга йўл қўймаслик, тадқиқот натижалари ва илмий хulosани чет тилда ёза олиш;
- ~ хорижий тилларда ҳисоботлар, халқаро грантлар ёза олиш;
- ~ тақдимот ўтказиш мақсадида ёзма қайдномаларни тайёрлай олиш;

B2 даражада бўйича

- ~ ўзини қизиқтирган мавзулар бўйича маълумотлар бера олиши ва улар юзасидан ўз фикрларини ёзма баён эта олиши;
- ~ мавзу бўйича ўз қарашларини, салбий ёки ижобий жиҳатларни ёзма равишида аниқ ифода эта олиши лозим

Маданиятлараро мулоқот компетенциялари (A2, B1, B2)

- ~ маданиятлараро мулоқотнинг асосларини шакллантириш;
- ~ тили ўрганилаётган мамлакат маданияти ва ўз маданиятлари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни билиш;
- ~ мулоқотга тааллукли масалаларга танқидий нуқтаи назар билан ёндашиш, уларни тўғри талқин қилиш;

- ~ тил ва маданият ўртасидаги боғлиқлик хусусиятлари билан танишиш;
- ~ ўрганилаётган тил маданиятидаги муроқот жараёнига тегишли имо-ишоралардан ўринли фойдалана олиш;

Шунингдек, тингловчилар тил кўникмаларини қўллаш борасида маҳоратларини ошириб, ўз камчиликларини аниқлай олиш ва ўз-ўзини баҳолай олиш кўникмаларини ривожлантирадилар;

Курс ҳажми

Мазур аралаш (Blended) курс 288 соатни ташкил этади ва 17 ҳафта давом этади. Курс 3 босқичдан иборат: 4 ҳафта фаол аудитория машғулотлари, 12 ҳафта онлайн дистант таълим ва 1 ҳафта якунловчи аудитория дарслари. Онлайн таълим даврида гурухлар бир марта (2 академик соатдан иборат) аудитория машғулотига йиғилишлари мумкин. Аудитория дарсларида тўлиқ иштирок этган ва онлайн вазифаларни ҳафталар кесимида тўлиқ бажарган тингловчилар курсни муваффақиятли тамомлаган ҳисобланади.

Курснинг модуллари ва уларнинг мазмуни

1.1. Оғзаки нутқ амалиёти

Хорижий тилларда турли мавзуларда давра сұхбатлари ва мұхомамаларни ўтказиш. Касбга ва соҳага оид мавзуларда презентациялар, нутқларни тайёрлаш. Телеконференция ва видеоконференциялар орқали ҳамкор ОТМлар профессор-ўқитувчилари билан муроқотга киришиш. Расмий интервьюларни ўтказиш. Академик (таълим) ва соҳаларга оид инглиз тили. Мутахассисликка оид мақолаларни ўқиб тушунган холда асосий гоясинаи ва мұхим маълумотларни оғзаки баён эта олиш.

Расмий ва норасмий вазиятларда фикрларни оғзаки баён қилиш. Ижтимоий мақсадларга ва кундалик (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ҳаётга оид инглиз тили. Таълимга ва касбга доир мавзуларда маъруза тайёрлаш. Телефонда расмий муроқот. Янгиликларни сўраш ва уни қабул қилишнинг турли усуллари. Катта аудитория олдида гапириш. Давра сұхбати: сұхбатни бошлаш ва давом эттириш. Давра сұхбати: мисоллар, далиллар келтириш. Чет тилда муроқотда савол-жавоб талаблари. Кундалик ва саёхат йўриқномалари хамда техник воситалардан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар билан ишлаш.

Муроқотдаги муаммоларни бартараф этиш. Алоқа ўрнатиш, самарали муроқот. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив муроқот мұхити, муроқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Таллафуз устида ишлаш. Мустақил таълим (Э-дистант таълим) модулига тайёргарлик. Тил ўрганиш учун зарур ўкув-аудио, методик ва онлайн ресурслар.

1.2. Ёзма нутқ амалиёти

Расмий хатлар ва ёзишувлар. Қайдномалар (tinglab тушуниш ва ўқиб тушунишга асосланган). Соҳага оид илмий мақолаларни чет тилда тайёрлаш ва хорижий нашриётлар талабларини инобатга олган холда чоп этиши. Хорижий тилда таълим соҳасига оид ҳисботларни ёзишга қўйиладиган талаблар. Халқаро грант лойиха дастурларини тайёрлаш.

Тавсифнома ёзиш. Перифраза, адабиётлардаги фикрни баён этишнинг усуллари. Халқаро конференциялар ахборот хатлари билан ишлаш: абстракт ёзиш. Халқаро нашрларга мақола ёзиш: иқтибос ва ҳавола. Плагиатга йўл қўймаслик. Хулоса ёзиш. Хамкорлик ўрнатиш бўйича ёзишмалар. Тақриз ёзиш. Рефлектив ёзув топшириқлари. Тилда прогресс кундалигини юритиш.

1.3. Маданиятлараро мулокот компетенциялари

Маданиятлараро мулокот асослари ва компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш). Тил ва маданият ўртасидаги боғликллик. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида. Халқаро муносабатлар.

Саёҳат давомида зарур бўладиган маданиятлараро мулокот компетенцияларни шакллантириш. Мулокотга тааллукли масалаларга танқидий нуқтаи назар билан ёндашиш, уларни тўғри талқин қилиш. Тил ва маданият: имо-ишоралар. Тил ва маданият: стереотиплар. Одамларга мурожаат ва хушмуомалалик одоблари. Овқатланиш, меҳмон оиласида яшаш ва ҳ. Саёҳатдаги (аэропорт, вокзал, автостанция) муаммоли вазиятларни бартараф этиши. Кундалик ҳаётий эҳтиёж (масалан, сафар чоғида) учун зарур бўладиган тил бирикмалари.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича қўрсатма ва тавсиялар

Курсни ўқитишида шахс эҳтиёжларига йўналтирилган таълим методидан ва чет тилини ўқитишига коммуникатив ёндашувдан максимал даражада фойдаланиш талаб этилади. Машғулотларда интерактив усуллардан, шу жумладан,

- амалий топшириқлар, машқлар;
- дистант таълим;
- ақлий хужум, кейс-стади ва ҳк.;
- муҳокама;
- мустақил таълим;
- презентация;
- жуфтликда бажариладиган ўзаро тақризлар;
- потрфолио қайдлари;
- ўз нутқини аудио тасмага ёзиш ва хатолар устида ишлаш;

- интернет ва бошқа манбалардан мавзуларга оид маълумотлар тўплаш;
- *Мутолаа клуби, Дебат клуби* (дистант таълим давомида ҳар ойда 2 марта) муҳокамаси;
- *Давра сұхбатлари*дан кенг фойдаланилади.

B1 ва B2 даражадаги тингловчилар учун курс тўлиқ хорижий тилларда олиб борилади.

Фаол ўқиш ва мустақил таълим давомида тингловчилар тренингдан ўтган хорижий тил ўқитувчилари ва тьюторлар томонидан махсус яратилган ўқув платформа орқали қўллаб-кувватлаб борилади. Курсни муваффақиятли тамомлаш хамда керакли тил ва касбий малакаларни эгаллашлари учун тингловчилар курснинг ҳар бир босқичда фаол иштирок этишлари, аудитория ва онлайн вазифаларни ўз вақтида бажарышлари керак бўлади.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар электрон портфолиои тайёрлайдилар.

Э-портфолио онлайн таълим давомида чет тилда тайёрланади ва қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- ҳисобот тайёрлаш;
- мавзу бўйича тақдимот (талабга кўра тайёрланган слайдлари ва матни);
- тинглаб тушуниш ва ўқиб тушуниш топшириқларидан келиб чиқсан холда тайёрлаган қайномалар асосида яратилган матн;
- касбий мақолалар мутолааси асосида тайёрланган тақриз;
- расмий хат ва резюме;
- чет тилда босқичма-босқич ёзилган мақола;
- ўз-ўзини баҳолаш тестлари ва қайдномалари.

Курс талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўз соҳаси бўйича якуний тақдимотни чет тилда тайёрлайди ва касбдошлари орасида ҳавола этади.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Мазкур курс доирасида тавсия этилган адабиётлардан, жумладан, хорижий давлатларда чоп этилган, тил ўрганиш даражаларига мос замонавий адабиётлардан ва ҳар бир ОТМ томонидан харид қилинган дарсликлардан кенг фойдаланилади.

Машғулотларда дарслик ва аудио материаллардан ташқари аутентик материаллар: аудио, видео, газета ва журналлар, интернет манбаларидан кенг фойдаланилади. Шунингдек, модуллар бўйича ишлаб чиқилган материаллар ва топшириқлар курснинг онлайн платформасига жойлаштирилган ва курс

тингловчиларидан ҳафтама-ҳафта юклатилган топшириқларни ўз вақтида бажарип боришлари талааб этилади.

Адабиётлар

I. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.

3. Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR – Common European Framework of Reference).

II. Махсус адабиётлар

B1 даражада учун:

- Bogolepova S. et. al. English For Academics, book 2 Dubai, Cambridge 2015.
- Bezzabotnova O. et. al. English For Academics, book 1 Poland, Cambridge 2014.
- Richard Harrison. Headway: Academic Skills. Listening, Speaking and Study Skill. Student's book Level 3. Portugal. Oxford 2011.
- Sarah Philpot. Headway: Academic Skills. Reading, Writing, and Study Skill. Student's book Level 2. China, Oxford 2016.
- Sarah Philpot & Lesley Curnick. Headway: Academic Skills. Reading, Writing, and Study Skill. Student's book Level 3. Portugal, Oxford 2016.
- James Schofield. Workplace English 1. China, Collins 2011.
- James Schofield. Workplace English 2. India, Collins 2012.

A2 даражада учун:

- 1. Ian Lebeau & Gareth Rees. New Language Leader. Elementary. Coursebook with myEnglishlab.
- 2. Ian Lebeau & Gareth Rees. New Language Leader. Pre-intermediate. Coursebook with myEnglishlab..
- 3. David Cotton et.al. New Language Leader. Intermediate. Coursebook with myEnglishlab .
- 4. Frances Eales & Steve Oakes. SpeakOut. 2nd edition. Elementary. Student's Book with DVD-ROM.

5. Antonia Clare & JJ Wilson. SpeakOut. 2nd edition. Pre-intermediate. Student's Book with DVD-ROM.
6. Richard Harrison. Headway: Academic Skills. Reading, Writing, and Study Skill. Student's book Level 1. Spain. Oxford. 2011.
7. Richard Harrison. Headway: Academic Skills. Listening & Speaking. Student's book Level 1. Spain. Oxford. 2011.
8. Lida Baker& Steven Gershon. Skillfull: Listening & Speaking. Student's Book 1. Thailand, Macmillan 2012.
9. David Bohlke & Robin Brinks Lockwood. Skillfull: Listening & Speaking. Student's Book 2. Thailand, Macmillan 2013.
10. David Bohlke. Skillfull: Reading & Writing Student's Book 1. Thailand, Macmillan 2012.
11. Lida Baker& Steven Gershon. Skillfull: Reading & Writing Student's Book 2. Thailand, Macmillan 2013.

III. Электрон таълим ресурслари:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги:
www.edu.uz.
2. learnenglish.britishcouncil.org
3. theenglishchannel.britishcouncil.org
4. www.britishcouncil.uz/english/online/apps
5. www.bbc.co.uk/learning
6. <https://www.ted.com/topics/presentation>
7. <https://www.ted.com/talks>
8. Касбга доир мақолалар
9. Соҳага ва касбга оид онлайн тақдимотлар
10. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
11. www.Ziyonet.Uz.

Немис тили

A2 даражада учун

1. Monika Bovermann, Sylvietta Penning-Hiemstra. Schritte International A2/1. Deutsch als Fremdsprache. -München: Hueber Verlag, 2012.
2. Monika Bovermann Sylvietta Penning-Hiemstra. Schritte International A2/2. Deutsch als Fremdsprache. -München: Hueber Verlag, 2012.
3. Silke Hilpert, Daniela Niebisch. Schritte International A2/1. Deutsch als Fremdsprache. -Ismaning: Hueber Verlag, 2010.

B1 даражада учун

- 1.Silke Hilpert, Susanne Kalender u a. Schritte International. B1/1. Deutsch als Fremdsprache. -Ismaning: Hueber Verlag, 2012.
2. Perlmann-Balme Michaela, Susanne Schwalb. Sicher B1+. Kursbuch. - München: Hueber Verlag, 2012.
- 3.Anne Fischer- Mitzwiris und Silvia Janke-Papanikolaou. Ausblick. – Ismaning: Hueber Verlag, 2012.
4. Anna Breitsameter, Sabine Glas-Peters, Angela Pude. Menschen. B1/2 .- München: Hueber Verlag, 2014.

B2 даражада учун

1. Anne Fischer- Mitzwiris. Ausblick. B2. – Ismaning: Hueber Verlag, 2013.
2. Michaella Perlmann-Balme , Susanne Schwalb. Sicher B2. Arbeits und Kursbuch. - Ismaning:Hueberverlag, 2012
- 3.Oliver Bayerlein, Patricia Buchner. Campus Lesen B2+C1.- Ismaning: Hueberverlag, 2013.

III. Электрон таълим ресурслари

1. www.cartoonstock.com/w/de/h/horoskop.asp
2. www.deutschunddeutlich.de
3. [www.fachdidaktik-
einecke.de/4_Literaturdidaktik/textarbeit_im_literaturunterricht.htm](http://www.fachdidaktik-einecke.de/4_Literaturdidaktik/textarbeit_im_literaturunterricht.htm)
4. [www.frustfrei-lernen.de/deutsch/grossschreibung-kleinschreibung-
uebungen.html](http://www.frustfrei-lernen.de/deutsch/grossschreibung-kleinschreibung-uebungen.html)
5. www.haus-der-astrologie.de/horoskop/
6. www.keepschool.de/unterrichtsmaterial/Deutsch/Textfunktionen-842.html
7. www.kochrezepte.de/rezepte/rezept-druck.27035.html
8. www.rs-puchheim.de/altesite/projekte/Chemie_Projekt/kraus.htm
9. www.schubert-verlag.de/aufgaben/uebungen_b1/b1_uebungen_index.htm

Француз тили

A2 даражада учун

1. Annie Berthet, Catherine Hugot, Veronique M. Kizirian, Beatrix Sampsonis, Monique Waendendries. Alter Ego. A1/A2. Méthode de Français. Hachette Français Langue Etrangère. France, 2013.
2. Michel Barféty, Patricia Beaujouin. Expression orale, Niveau 1-2. France, 2013.
3. Sylvie Poisson-Quinton, Rein Mimran. Expression écrite, Niveau 1-2. France, 2013.
4. Sylvie Poisson-Quinton, Rein Mimran. Compréhension écrite, Niveau 1-2. France, 2013.
5. Sylvie Poisson-Quinton, Rein Mimran. Compréhension orale, Niveau 1-2, France, 2013.

B1 даражада учун

1. Annie Berthet, Catherine Hugot, Veronique M. Kizirian, Beatrix Sampsonis, Monique Waendendries. Alter Ego. B1. Méthode de Français. Hachette Français Langue Etrangère. France, 2015.
2. Michel Barféty, Patricia Beaujouin. Expression orale, Niveau 3. France, 2013.
3. Sylvie Poisson-Quinton, Rein Mimran. Expression écrite, Niveau 3. France, 2013.
4. Sylvie Poisson-Quinton, Rein Mimran. Compréhension écrite, Niveau 3. France, 2013.
5. Sylvie Poisson-Quinton, Rein Mimran. Compréhension orale, Niveau 3, France, 2015.

B2 даражада учун

1. Annie Berthet, Catherine Hugot, Veronique M. Kizirian, Beatrix Sampsonis, Monique Waendendries. Alter Ego. B2. Méthode de Français. Hachette Français Langue Etrangère. France, 2013.
2. Michel Barféty, Patricia Beaujouin. Expression orale, Niveau 4. France, 2013.
3. Sylvie Poisson-Quinton, Rein Mimran. Expression écrite, Niveau 4. France, 2013.
4. Sylvie Poisson-Quinton, Rein Mimran. Compréhension écrite, Niveau 4. France, 2013.
5. Sylvie Poisson-Quinton, Rein Mimran. Compréhension orale, Niveau 4, France, 2015.

III. Электрон таълим ресурслари

1. www.educnet.education.fr
2. www.france5.fr/20livres
